



Ислом Нури

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Менга насиҳат қилинг» деган эди, «Ғазаб қилма!», дедилар. Ҳалиги одам илтимосини бир неча бор такрорлади. Яна: «Ғазаб қилма!», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам».

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Менга насиҳат қилинг» деган эди, «Ғазаб қилма!», дедилар. Ҳалиги одам илтимосини бир неча бор такрорлади. Яна: «Ғазаб қилма!», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Менга насиҳат қилинг» деган эди, «Ғазаб қилма!», дедилар. Ҳалиги одам илтимосини бир неча бор такрорлади. Яна: «Ғазаб қилма!», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам».

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кучли деб курашда ҳаммани енгадиган кишига айтилмайди. Ғазабланган пайтда ўзини қўлга ололган одам кучлидир».

«Агар қай бирингиз ғазабланганида тик турган бўлса, ўтириб олсин. Агар шунда ҳам ғазоби тарқалмаса, ётиб олсин!»

Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар қай бирингиз ғазабланганида тик турган бўлса, ўтириб олсин. Агар шунда ҳам ғазоби тарқалмаса, ётиб олсин!»



Ислом Нури

«...»

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Сулаймон ибн Сурод розияллоҳу анху айтадилар: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик, икки киши урушиб қолди. Улардан бири ғазабланиб, юзлари қизариб, иккинчисини ҳақорат қиларди.

– Мен бир калимани биламан, – дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам – Агар у ушбу калимани айтса, ғазаби тарқалиб кетади: «Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм» (яъни, даргоҳидан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ тилайман).

Шарҳ:

Ғазаб ёмон хулқлардан бўлиб, ўз эгасини нохуш ишларга тортиб кетади. Ғазаб шайтон тарафидан бўлгани боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан узоқлашишга йўлладилар, уни пасайтирадиган йўл-йўриқларни кўрсатдилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабни тарк қилишга васият қилдилар ва ғазаб пайтида ўзини босиб олувчи кишини мақтадилар.
2. Ғазабланган киши тик турган бўлса ўтириб олиши лозим, ғазаби



шунда ҳам тарқамаса ётиб олсин.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабланган кишини Аллоҳдан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилашга йўлладилар.